Идиев Ғайрат Элмуродович – т.ф.д., доцент
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)
Ахмедова Малика Қиличовна – ассистент
Осиё Халқаро Университети (Бухоро, Ўзбекистон)

ҚИСМАН ТИШСИЗЛИГИ БОР БЕМОРЛАРНИ СТОМАТОЛОГИК ТАШХИСЛАШ УСЛУБЛАРИ

Аннотация. *Ушбу мақолада қисман тишсизлиги бор беморларни стоматологик ташхислаш ҳамда беморларда қисман тишсизлик келтриб чиқарувчи этиологик факторлар, уларнинг бартараф этиш тадқиқотлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар. *қисман тишсизлик, стоматологик ташҳислаш усуллари, юқори жағ, пастки жағ, жағлардаги патологик ўзгаришлар.*

Идиев Гайрат Элмуродович – д.м.н., доцент
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)
Ахмедова Малика Киличовна – ассистент
Азиатский Международный Университет (Бухара, Узбекистан)

МЕТОДЫ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЙ ДИАГНОСТИКИ ПАЦИЕНТОВ С ЧАСТИЧНОЙ БЕЗЗУБОСТЬЮ

Аннотация. *В этой статье представлена стоматологическая диагностика пациентов с частичной беззубостью, а также данные об этиологических факторах, вызывающих частичную беззубость у пациентов, исследованиях по их устранению и их результатах.*

Ключевые слова. *частичная беззубость, методы стоматологической диагностики, патологические изменения в верхней челюсти, нижней челюсти, скулах.*

Idiev Gayrat Elmurodovich – D.M.Sc., associate professor
Bukhara state Medical University (Bukhara, Uzbekistan)
Akhmedova Malika Kilichovna – assistant
Asia International University (Bukhara, Uzbekistan)

METHODS OF DENTAL DIAGNOSIS OF PATIENTS WITH PARTIAL TOOTHLESSNESS

Abstract. *This article presents the dental diagnosis of patients with partial toothlessness, as well as data on the etiological factors that cause partial toothlessness in patients, studies on their elimination and their results.*

Keywords. *partial toothlessness, dental diagnostic methods, pathological changes in the upper jaw, lower jaw, cheekbones.*

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ҳозирги кунда стоматологик касалликлар таркибида чакка-пастки жағ бўғими фаолиятининг бузилишлари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ушбу патологиялар ўзининг кенг тарқалганлиги, кўп омиллилиги, шунингдек ташхислаш ва даволаш жараёнларининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Сўнгги йигирма йил давомида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, чакка-пастки жағ бўғими патологиялари болалар ва ўсмирлар орасида 20% гача, катта ёшдаги аҳоли орасида эса 70–80% гача учраши мумкинлиги қайд этилган. Бу ҳолат мазкур муаммонинг нафақат клиник, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эканлигини кўрсатади. Чакка-пастки жағ бўғими инсон организмидаги энг мураккаб биомеханик тизимлардан бири ҳисобланади. У тиш-жағ тизимининг ажралмас қисми бўлиб, чайнаш, нутқ ва ютиш каби муҳим функцияларни таъминлайди. ЧПЖБ нинг ўзига хослиги шундаки, унинг ҳаракати бошқа бўғимлардан фарқли равишда икки томонлама ва синхрон тарзда амалга ошади[1.3.5.7.9].

Пастки жағ ҳаракати бўғим бошчасининг фазовий силжиши ва айланиши билан кечиб, маълум бир чеклов ҳосил бўлгунига қадар эркин қарори давом этиши мумкин. Чайнаш жараёнида бевосита ёки овқат бўлаги орқали узатиладиган ҳар қандай куч ЧПЖБ фаолиятига таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлади. Чайнаш функциясини таъминлашда, айниқса, кўп илдизли моляр тишлар етакчи аҳамиятга эга. Уларнинг йўқотилиши тиш-жағ тизимида жиддий окклюзион, функционал ва морфологик ўзгаришларга олиб келади. Шу нуқтаи назардан, қисман тишсизлик чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишларининг муҳим этиологик омилларидан бири ҳисобланади. Қисман тишсизлик натижасида пастки жағнинг физиологик ҳолати, чайнаш мушаклари мувозанати ва окклюзион

муносабатлар бузилади. Болалар ва ўсмирлар орасида тиш йўқотилишининг асосий сабаблари сифатида кариес ва унинг асоратлари, шунингдек оғиз бўшлиғи гигиенасига етарли эътибор бермаслик кўрсатилади [2.4.6.8]. Айниқса, алмашинув тишлов даврида доимий тишловнинг "калити" ҳисобланган биринчи доимий моляр (6-тиш) нинг йўқотилиши ўз вақтида даволанмаса, тиш қаторлари деформацияси ва кейинчалик ЧПЖБ функционал бузилишларининг ривожланишига олиб келади.

Тадқиқотнинг мақсади. қисман тишсизлиги бор беморларни стоматологик ташхислаш услубларини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқот объекти. чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) фаолиятининг турли даражадаги функционал ва структуравий бузилишлари билан кечувчи, қисман тишсизлиги мавжуд бўлган беморлар ҳисобланади.

Натижа ва таҳлиллар. Мазкур тадқиқот ишида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун клиник, функционал, иммунологик, инструментал, радиологик ҳамда статистик тадқиқот методлари мажмуасидан фойдаланилди. Тадқиқот методлари замонавий ортопедик стоматология ва чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) патологияларини ўрганиш бўйича халқаро ва миллий илмий-амалий тавсияларга мувофиқ танланди.

Клиник тадқиқот методлари — бу беморларни текшириш, ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган илмий-амалий усуллар мажмуасидир. Улар тиббий тадқиқотларда касалликнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва даволаш натижаларини ўрганишга хизмат қилади.

Беморларни клиник текшириш жараёнида:

• анамнез йиғиш (шикоятлар, касаллик ривожланиш тарихи, олдинги даволашлар),

• умумий ва маҳаллий стоматологик кўрик,

• ЧПЖБ соҳасини ва чайнаш мушакларини палпация қилиш,

• оғиз очилиш ҳажмини, жағ ҳаракатларининг симметриясини ва оғриқ мавжудлигини баҳолаш,

• окклюзион муносабатларни визуал ва функционал баҳолаш

амалга оширилди.

Функционал текширув методлари — бу орган ёки тизимнинг тузилишидан кўра унинг фаолиятини (функциясини) баҳолашга қаратилган диагностик усуллардир. Стоматологияда, айниқса, чайнаш аппарати, чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ), окклюзия ва мушаклар фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

ЧПЖБ ва чайнаш аппаратининг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида:

• оғиз очиш-ёпиш амплитудаси,

• пастки жағнинг олдинга ва ён томонга силжиш ҳаракатлари,

• чайнаш мушакларининг мувофиқлиги ва симметрияси

ўрганилди. Оғриқ интенсивлиги визуал-аналог шкала (ВАС) ёрдамида баҳоланди.

Инструментал текширув методлари — бу махсус аппаратлар ва техник воситалар ёрдамида касалликни аниқлаш, орган ва тўқималарнинг ҳолатини баҳолаш учун қўлланиладиган диагностик усуллардир. Улар клиник текширувни тўлдиради ва ташхисни аниқлаштиришга ёрдам беради.

ЧПЖБ ва чайнаш мушаклари фаолиятини объектив баҳолаш учун:

• **электромиография (ЭМГ)** — мушакларнинг биоэлектрик фаоллигини аниқлаш,

• **окклюзион анализаторлар** — тишлараро контактлар ва юк тақсимотини баҳолаш қўлланилди.

Стандартлаштирилган диагностика ва баҳолаш методлари — бу касалликларни аниқлаш ва бемор ҳолатини баҳолашда бир хил мезонлар, протоколлар ва шкалалардан фойдаланишга асосланган усуллар бўлиб, тадқиқот натижаларининг аниқлиги, ишончлилиги ва таққосланишини таъминлайди. Бундай методлар клиник амалиётда ҳам, илмий тадқиқотларда ҳам кенг қўлланади.

ЧПЖБ бузилишларини аниқлаш ва таснифлашда:

• **DC/TMD (Diagnostic Criteria for Temporomandibular Disorders)** мезонлари,

• клиник ва функционал баҳолаш шкалалари қўлланилди.

Динамик кузатув ва мониторинг методлари — бу бемор ҳолатини маълум вақт давомида мунтазам кузатиш, даволаш натижаларини баҳолаш ва касаллик ривожланишидаги ўзгаришларни аниқлашга қаратилган усуллардир. Ушбу методлар клиник тадқиқотлар ва амалий тиббиётда даволаш самарадорлигини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Беморлар даволашдан олдин ва кейин маълум муддат оралиғида қайта текширилиб, ЧПЖБ ҳолатидаги ва клиник кўрсаткичлардаги ўзгаришлар динамик тарзда баҳоланди.

Чакка-пастки жағ бўғими ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қисман тишсизлиги бор беморларни ташхислаш ва ортопедик даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий натижалар олинди.

1.Чакка-пастки жағ бўғимида юзага келадиган функционал ва структуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қисман тишсизлиги бор беморларни ташхислаш ва протетик даволашнинг замонавий комплекс клиник-функционал ҳамда иммунологик алгоритми ишлаб чиқилди. Мазкур алгоритм клиник, функционал

ва инструментал текширув натижаларини интеграциялаш асосида даволашни индивидуал режалаштириш имконини беради.

2.Қисман тишсизлик, ЧПЖБ даги функционал бузилишлари ва оғиз бўшлиғи суюқлигидаги иммунологик кўрсаткичлар ўзгаришлари ўртасидаги патогенетик боғлиқлик клиник-функционал ва диагностик кўрсаткичлар асосида илмий жиҳатдан асослаб берилди, бу эса ортопедик даволашни бўғим функциясини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш зарурлигини кўрсатди.

3.Клиник-функционал тестлар, радиологик назорат ва маҳаллий иммунологик маркерлар динамикаси асосида қисман тишсизлиги бор беморларда ташхис қўйиш ва протетик даволаш самарадорлигини баҳолашнинг комплекс мониторинг тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида беморларни танлаш, гуруҳлаш ва текшириш қатъий белгиланган киритиш ва чиқариш мезонлари асосида амалга оширилди. Клиник, функционал, инструментал ва радиологик текширувлар бир хил методология ва стандарт протоколлар асосида олиб борилиб, бу олинган натижаларнинг такрорланувчанлиги ва таққосланишини таъминлади. Чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) ҳолатини баҳолашда электромиография, окклюзион таҳлил, конуснурли компютер томографияси (СБСТ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) каби юқори аниқликка эга бўлган замонавий инструментал ва радиологик усуллардан фойдаланилиши ташхиснинг объективлигини сезиларли даражада оширди. Шунингдек, ЧПЖБ бузилишларини аниқлаш ва таснифлашда DC/TMD мезонларининг қўлланилиши тадқиқот натижаларини халқаро талабларга мослаштирди. Олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш замонавий статистик дастурлар ёрдамида амалга оширилиб, таққослаш, вариацион ва корреляцион таҳлил усуллари қўлланилди. Натижаларнинг ишончлилиги статистик аҳамиятлилик мезонлари ($P<0,05$) асосида баҳоланди. Бу аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг тасодифий эмаслигини илмий жиҳатдан тасдиқлайди. Беморларни даволашдан олдин ва кейин динамик кузатув асосида текшириш, клиник ва функционал кўрсаткичлардаги ўзгаришларни мониторинг қилиш натижаларнинг объективлигини янада мустаҳкамлади. Тадқиқот натижаларининг амалий стоматология шароитида қўлланиши ва клиник жиҳатдан тасдиқланиши уларнинг ишончлилигини оширувчи муҳим омил ҳисобланади. Ортопедик стоматология амалиётида қисман тишсизлиги бор беморларни ташхислаш ва даволаш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган махсус клиник текширув картаси чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) ҳолатини тизимли ва объектив баҳолаш имконини бериб, ташхис аниқлигини оширишга хизмат қилади. Таклиф этилган замонавий диагностика ва даволаш алгоритми қисман тишсизлиги бор беморларда ЧПЖБ функционал бузилишларини эрта аниқлаш, дифференциал ташхис қўйиш ҳамда индивидуал даволаш режасини тузишда қўлланилиши мумкин. Бу ёндашув ортопедик даволаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар хавфини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имконини беради. Тадқиқот натижалари амалий шифокор-стоматологлар, клиник ординаторлар, магистрлар ва олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув-услубий қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу иш натижалари ЧПЖБ функционал бузилишларининг олдини олиш ва реабилитация тадбирларини режалаштиришда илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, чакка-пастки жағ бўғими фаолиятининг бузилишлари ва қисман тишсизлик ўртасидаги узвий боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, беморларни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш бугунги кунда ортопедик стоматологиянинг долзарб илмий-амалий муаммоларидан бири ҳисобланади. ЧПЖБ даги функционал ва структуравий ўзгаришларни комплекс баҳолаш, уларни қисман тишсизлик билан богъликъ ҳолда таҳлил қилиш ҳамда самарали диагностика ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш орқали стоматологик ёрдам сифатини оширишга қаратилган илмий ечимлар таклиф этилди.

Хулоса. Шундай қилиб, қисман тишсизлиги ва ЧПЖБ функционал бузилишлари билан кечувчи ҳолатларда ташхис қўйиш кўп босқичли ва комплекс жараён бўлиб, беморнинг клиник ҳолатини ҳар томонлама баҳолашни талаб этади. Замонавий илмий адабиётлар ушбу беморларда эрта ва тўғри ташхис қўйиш ЧПЖБ патологияларининг прогнозини яхшилаш ва даволаш самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Идиев Г. Э., Гафоров С. А., Ибрагимова Ф.И. Эпидемиология, этиопатогенез и диагностика дисфункции височно-нижнечелюстного сустава //Тиббиётда янги кун. – 2020. – №. 3. – С. 47-51. (14.00.00; № 22)

2. Идиев Ғ. Э. Чакка-пастки жағ бўғимининг дисфункцияси диагностикасига мутахассисларнинг фанлараро ёндашуви асосида даволаш самарадорлигини такомиллаштириш //Stomatologiya. – 2021. – №. 2 (83). – С. 33-35. (14.00.00; № 12)

3. Идиев Г. Э. Междисциплинарный подход к диагностике пациентов с патологиями вы-

сочно-нижнечелюстного сустава //Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2021. – Т. 3. – №. 1. – С. 15-21. (14.00.00, №51)

4. Гафоров С. А., Идиев Ғ. Э. Чакка-пастки жағ бўғимининг фаолияти бузилишларида диагностика қилишга турли мутахассисликлар ёндашувнинг аҳамияти //Доктор ахборотномаси– 2021. – №. 3. – С. 22-32. (14.00.00; № 20)

5. Gaforov S.A., Idiyev G. E., Ibragimova F.I. Approaches to the diagnosis of the dysfunctional state of the temporomandibular joint //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2021. – Т. 7. – №. 9. – С. 2092-2103. (Scopus)

6. Idiyev G. E.Improving the effectiveness of treatment based on an interdisciplinary approach of specialists to the diagnosis of temporomandibular joint dysfunction //Science Asia. – 2022. – Т. 48. – №. 3. – С. 51-60. (Scopus)

7. Идиев Ғ. Э. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари билан касалланган беморларда окклюзия-артикуляция, нейромушак синдроми ва пастки жағ каллагининг одатланган чиқишини клиник-неврологик ўрганиш натижалари // Тиббиётда янги кун. – 2022. – №. 11 (49). – С. 64-69. (14.00.00; № 22)

8. Идиев Ғ. Э.Чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишларини эрта ташхислашда функционал ва инструментал текшириш усуллари //Биология ва тиббиёт муаммолари. – 2022. – №. 6 (140). – С. 89-93.(14.00.00; № 19)

9. Идиев Ғ. Э.Чакка-пастки жағ бўғими патологиялари этиологиясида салбий таъсир этувчи клиник-неврологик омиллар қиёсий тавсифи ҳамда ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш//Биомедицина ва амалиёт журнали. – 2022. – №. 6. – С.295. (14.00.00; № 24)